

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: **Info@xs.uz** ● **2026 йил 27 май, № 107 (9278)** **Чоршанба** Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУРБОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!

Сиз, азизларни, юртимиздаги барча мўмин-мусулмонлар, бутун халқимизни бугунги улуғ айём — муборак Қурбон ҳайити билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Тинчлик, меҳр-оқибат ва саховат байрами — Ийд ал-Адҳа муқаддас динимиз моҳиятида мужассам бўлган эзгу ғоя ва амалларни яққол ифода этган ҳолда ҳозирги кунда мамлакатимизда инсонпарварлик руҳида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларимизнинг маъно-мазмунига уйғун ва ҳамоҳанг экани билан барчамиз учун янада азиз ва қадрли бўлиб бормоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, кўп миллатли юртимизда осойишталик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, ёрдамга муҳтож инсонлар, муҳтарам нуронийлар, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, маҳалла ва хонадонларни обод қилишга қаратилган ишларимизда Қурбон ҳайитининг эзгу анъаналари куч-ғайрат ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлаш лозим.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва бой маданий қадриятларини, буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг илмий-маърифий меросини, ислом динининг асл моҳиятини ўрганиш ва тарғиб этиш борасидаги ишларимиз янги босқичга кўтарилмоқда. Буни яқинда халқимиз ва юртимиз меҳмонлари учун ўз эшикларини очган азим пойтахтимиздаги Ислом цивилизацияси маркази, Самарқанддаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси, Марғилон шаҳридаги Бурҳониддин Марғиноний илмий-маърифий ва туризм мажмуаси каби Янги Ўзбекистон мўъжизалари бўлган ноёб обидалар мисолида яққол кўриш мумкин.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги муҳим тарихий қадамлар бўлиб, улар бизни янада катта сафарбарлик билан ҳаракат қилишга даъват этади.

Ҳурматли дўстлар!

Юртимизда диний эътиқод эркинлигини таъминлаш учун яратиб берилаётган қулай шароитлар туфайли ушбу мунаввар кунларда 15 мингдан зиёд ватандошларимиз муқаддас Ҳаж амалларини адо этмоқда. Бу йил тарихимизда илк марта "Президент ҳожилари" дастури жорий этилганидан хабарингиз бор. Ушбу дастурга мувофиқ, эл-юртимизга сидқидилдан хизмат қилган 100 нафар юртдошимиз — уламолар, нуронийлар, маҳалла фахрийлари ҳамда уларнинг оила аъзолари муборак Ҳаж сафарига бориш имкониятига эга бўлдилар.

Мана шу саодатли онларда барча ҳожиларимизни Қурбон ҳайити билан қутлаб, ибодатлари қабул бўлишини Аллоҳ таолодан сўраб қоламиз. Муқаддас зиёратдан қайтиб келадиган бу ҳурматли юртдошларимиз эзгулик ва маърифат тарғиботчилари сифатида оила ва маҳаллаларимизда, бутун жамиятимизда олиб бориладиган маънавий-тарбиявий ишларда фаол иштирок этадилар деб умид қиламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, дунёнинг турли мамлакатларидаги мусулмон дўстларимиз ва ҳамкорларимизга ҳам қизғин қутловларимизни йўллаб, уларга тинчлик, равнақ ва фаровонлик тилаб қоламиз.

Азиз ватандошлар!

Қурбон ҳайити муносабати билан бу йил ҳам бир неча кундан иборат дам олиш кунлари белгиланди. Байрам кунларида ҳам элимиз хизматида, Ватан сарҳадларида ўз вазифасини масъулият билан адо этаётган юртдошларимизга алоҳида миннатдорлик билдирамиз.

Чет элларда таҳсил олаётган ва ишлаётган ватандошларимизни ҳам самимий табриклаб, уларнинг барчасига эзгу тилакларимизни изҳор этамиз.

Эл-юртимизни шундай қутлуғ айёмга тинчлик-омонликда ва ҳамжиҳатликда етказгани учун Аллоҳ таологa ҳамду санолар бўлсин!

Илоҳим, Яратган парвардигор эл-юртимизни ўз паноҳида асрасин!

Қурбон ҳайити барчамизга муборак бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

# КИЧИК БИЗНЕС ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН ЯНАДА ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев кичик бизнес субъектлари ўсиши учун янада қулай иқтисодий ва маъмурий шароитлар яратишга қаратилган таклифлар тақдимоти билан танишди.**

Кичик бизнес иқтисодиётда бандлик, даромад ва рақобат муҳитини таъминлайдиган муҳим тармоқ ҳисобланади. Шу боис сўнгги йилларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, солиқ юкини камайтириш ва давлат хизматларини соддалаштириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, амалдаги айрим тартиботлар бизнеснинг табиий ўсишига тўсқинлик қилмоқда. Хусусан, кичик бизнес субъектлари тушуми 1 миллиард сўмгача бўлганда соддалаштирилган солиқ режимида ишлайди. Ушбу чегарадан ошганда эса қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғи тўлашга ўтади.

Мазкур чегара 2019 йилда белгиланган бўлиб, ўтган даврда нархлар сезиларли равишда ошди. Натижада айрим тадбиркорлар 1 миллиард сўмлик чегарага яқинлашганда айланмани яшириш, чек бермаслик ёки бизнесни бир нечта субъектга бўлиш амалиётига ўтмоқда.

Тақдимотда 2026 йил 1 июндан кичик бизнес учун умумий солиқ режимига ўтишдаги чегаравий миқдорни 1 миллиард сўмдан 5 миллиард сўмга ошириш таклиф қилинди.

Шунингдек, умумий овқатланиш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари учун қўшилган қиймат солиғини тўлашнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш ташаббуси билдирилди.

➡ 2

# КЎМИР НАРХЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИГА ЎТИЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев кўмир саноатида бозор механизмларини жорий этиш, ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ва янги инвестиция лойиҳалари юзасидан тақдимот билан танишди.**

Кўмир иқтисодиёт тармоқлари, иссиқлик электр станциялари, ижтимоий муассасалар ва аҳоли эҳтиёжини таъминлашда муҳим энергия манбаларидан бири ҳисобланади. Шу боис соҳада барқарор таъминот, маҳсулот сифати, нархлар шаффофлиги, рақобат муҳити ва экологик талабларни таъминлаш долзарб аҳамиятга эга.

Мустақилликнинг дастлабки 25 йилида кўмир қазиб чиқариш ўртача 3,1 миллион тоннадан 4 миллион тоннагача ошган бўлса, сўнгги 9 йилда ушбу кўрсаткич 10 миллион тоннага етказилди. Келгуси куз-қиш мавсумида кўмир қазиб чиқариш ҳажмини 11 миллион тоннага етказиш режалаштирилган.

Бугунги кунда кўмир қазиб чиқарувчи хусусий тадбиркорлар сони 18 тага етди. 2023 — 2025 йилларда улар томонидан геология-қидирув ишлари кенгайтирилиб, 2,4 миллион тонна кўмир қазиб чиқарилди. Мазкур жараёнларга 117,2 миллион доллар хусусий инвестициялар йўналтирилди. Ангрен ва Шарғун кўмирларини аралаштириш ҳисобига иссиқлик электр станцияларига 1,5 миллион тонна импорт ўрнини босувчи, ёнувчанлиги юқори бўлган маҳаллий кўмир етказилди.

Тақдимотда кўмир нархларини шакллантиришни бозор тамойилларига ўтказиш масаласи кўриб чиқилди.

➡ 2

# ТРАНСПОРТ СОҲАСИДАГИ ЙИРИК ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ

**Президент Шавкат Мирзиёев транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича тақдимот билан танишди.**

Транспорт инфратузилмаси иқтисодиёт тармоқларини ўзаро боғлаш, ҳудудлар салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, аҳоли ва бизнес учун қулайлик яратишда муҳим ўрин тутади. Шу боис мамлакатимизда автомобиль йўллари, авиация, логистика ва халқаро транспорт йўлакларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тақдимотда, аввало, Тошкент — Самарқанд муқобил автомобиль йўлини қуриш лойиҳаси кўриб чиқилди. Ушбу йўлнинг узунлиги 282 километр бўлиб, Тошкент, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларини боғлайди. Йўл I-а тоифада, цемент-бетон қопламали, ҳар икки йўналишда учтадан ҳаракат тасмаси билан қурилади. Лойиҳавий тезлик соатига 150 километрни ташкил этади.

Лойиҳа доирасида 12 та транспорт ечими, 60 та туннелли ўтиш жойи, 91 та кўприк, 16 та йўл ўтказгич, 258 та дренаж иншооти ва интеллектуал транспорт тизимини жорий этиш кўзда тутилган. Шунингдек, 12 та терминал, йўл бўйи инфратузилмаси ва вазн ўлчаш тизими ташкил қилинади.

Салоҳиятли инвесторлар билан музокаралар жараёнини жадаллаштириш ва қурилиш ишларини қисқа муддатларда бошлаш топширилди.

Мамлакатимизда авиация соҳасида янги экотизимни шакллантириш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, ҳудудлардаги 7 та халқаро аэропорт замон талаблари асосида реконструкция қилиняпти. Мўйноқ, Қўқон, Зомин, Шаҳрисабз, Сариосиё, Сўх туманларида янги аэропортлар барпо этилиб, уларнинг сони 18 тага етказилди.

➡ 2

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

***Инсонпарварлик, меҳр-мурувват ва бағрикенглик каби олийжаноб умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган муборак Қурбон ҳайити — Ийд ал-Адҳа муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари, таниқли сиёсий, жамоат ва диний арбоблардан табрик мактублари келмоқда.***

*Хорижий ҳамкорлар ўз қутловларида Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига самимий ҳурмат-эҳтиром изҳор этиб, юртимизга тинчлик, фаровонлик ва равнақ тиламоқда, виждон ва эътиқод эркинлигини таъминлаш, барқарор тараққиётга эришиш, инсон қадрини улуғлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни юксак баҳолаб, дўстлик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини бундан буён ҳам мустаҳкамлашга қатъий интилишларини таъкидламоқда.*

*Жумладан, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:*

Қозоғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев**;

Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров**;

Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон**;

Туркманистон Президенти **Сердар Бердимуҳамедов**;

Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси **Гурбангули Бердимуҳамедов**;

Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**;

Қозоғистон Республикасининг биринчи Президенти **Нурсултон Назарбоев**;

Туркия Республикаси Президенти **Режеп Таййип Эрдоған**;

Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ ас-Сиси**;

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**;

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими **Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**;

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири ўринбосари, Президент ишлари бўйича вазири **Шайх Мансур бин Зоид Ол Наҳаён**;

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири **Шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён**;

Кувайт Давлати Амири **Шайх Мишъал ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**;

Кувайт Давлати Валиаҳди **Шайх Сабоҳ ал-Ҳолид ал-Ҳамад ас-Сабоҳ**;

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи **Абдулла II**;

Ўмон Султони **Ҳайсам бин Торик**;

Баҳрайн Подшоҳи **Ҳамад бин Исо Ол Халифа**;

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти **Абдулмажид Теббун**;

Фаластин Давлати Президенти **Маҳмуд Аббос**;

Саудия Арабистони Подшоҳлиги давлат вазири, Вазирлар Кенгаши аъзоси **Турки бин Муҳаммад бин Фаҳд бин Абдулазиз Ол Сауд**;

Ислом ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Ҳусайн Иброҳим Тоҳа**;

Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби **Кубаничбек Омуралиев**;

Кавказ мусулмонлари идораси раиси **Шайхулислом Оллоҳшукур Пошозода**.

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

# ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТДА БАРАКА БЎЛАДИ



**Ғамхўрлик**

*Мамлакатимизда тантана қилинаётган ҳар бир байрам халқимизнинг асрлар давомида шаклланган миллий қадриятлари, эзгу анъаналари ва инсонпарварлик фазилатларини ўзида мужассам этади. Ана шундай улуғ айёмлардан бири бўлган Қурбон ҳайити меҳр-оқибат, бағрикенглик, саховат ва ҳамжиҳатлик каби юксак фазилатларни янада мустаҳкамлайди. Бу муборак айём инсонларни бир-бирига иноқлаштириб, жамиятда ўзаро ҳурмат ва тотувлик муҳитини кучайтиришда катта аҳамият касб этади.*

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда юртимизда олиб борилаётган инсонпарвар ижтимоий сиёсат Қурбон ҳайитининг мазмун-моҳияти билан уйғун тарзда кечаётгани халқимиз қалбида катта мамнуният уйғотмоқда. Президентимизнинг "Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва меҳр-саховат тадбирларини самарали ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ҳам ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилади. Унда эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, меҳрга муҳтож инсонларга кўмак бериш, хайрия ва саховат тадбирларини кенг йўлга қўйиш каби муҳим вазифалар белгилаб берилган.

➡ 3

# ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИБ БОРАЁТГАН ҲАМКОРЛИК

*Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Покистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Аҳмад Фарук билан учрашув ўтказди.*

**Учрашув**

Унда Аҳмад Фарукнинг сўнгги уч йил давомида самарали фаолият олиб бориб, икки мамлакат ўртасида стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшгани алоҳида эътироф этилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани, икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли ўзаро алоқалар янги босқичга кўтарилгани таъкидланди.

Эришилган келишувларнинг амалий ижросини таъминлаш, парламентлараро ҳамкорликни янада фаоллаштириш, дўстлик гуруҳлари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда ҳудудлараро алоқаларни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Айниқса, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг Покистон илмий муассасалари билан ҳамкорлигини фаоллаштириш муҳимлиги қайд этилди. Шунингдек, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш истиқболлари ҳам муҳокама қилинди.

Сенат Раиси Покистон делегациясини Самарқанд шаҳрида Парламентлараро Иттифоқ билан ҳамкорликда ўтказиладиган Ёш парламент аъзоларининг 12-глобал конференцияси ҳамда Барқарор ривожланиш мақсадларига бағишланган 3-глобал форумда фаол қатнашишга таклиф этди.

**«Халқ сўзи».**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БУНЁДКОРЛИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИ

*Сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг "Халқ сўзи" газетасида эълон қилинган "Миллат шавкати" номли мақоласини ўқиб Самарқанд вилоятида кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, бекиёс ўзгаришлар кўз ўнгимда намоён бўлди. Унда Самарқанднинг нафақат тарихий-маданий мерос маркази, балки Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий, инвестицион ва геосиёсий тараққиёт нуқталаридаги ўрни тобора ортиб бораётгани, бунда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қатъияти, одилона сиёсати катта ўрин тутаётгани асосли далиллар билан кўрсатиб берилгани эътиборга молик, албатта.*




**Фикр**

Дарҳақиқат, бугун Самарқанд мутлақо янги қиёфа касб этмоқда. Бир пайтлар фақат тарих ва қадимий обидалар шаҳри сифатида тасаввур қилинган ҳудуд эндиликда замонавий инфратузилма, йирик инвестиция лойиҳалари, халқаро форумлар ва туризм марказига айланиб бормоқда. Қисқача айтганда, вилоятдаги ўзгаришлар бугун Янги Ўзбекистонда кечаётган янгиланишларнинг ҳудудий ифодасидир, десак янглишмаймиз.

➡ 2

# КИЧИК БИЗНЕС ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН ЯНАДА ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛАДИ

◄1 Унга кўра, тадбиркорлар ихтиёрий равишда 6 фоиз ставкада ҚҚС тўлаб фойда солиғидан озод этилиши ёки амалдаги умумий тартибда ишлашни давом эттириши мумкин бўлади.

Бу орқали кичик бизнес учун солиқ ҳисоблаш ва тўлаш жараёни соддалашади, маъмурий юк камаяди, айланмаларни яшириш ва бизнесни сунъий бўлишга рағбат пасаяди.

ҚҚС маъмуриятчилигидаги мураккабликлар ҳам таҳлил қилинди. ҚҚСга ўтган тадбиркорларда ҳисоботлар сони 2 бараварга ошмоқда. 2025 йилда ҳисоботларда хато аниқланган солиқ тўловчиларнинг 77 фоизи ҚҚС тўловчиларининг ҳиссасига тўғри келган.

Шу боис паст хавф даражасига эга тадбиркорлар учун ҚҚСнинг салбий фарқини автоматик қайтариш, ҚҚС тўловчиси гувоҳномасини вақтинча тўхтатиб туриш тартибини бекор қилиш, импорт бўйича мажбурий ҚҚСга ўтиш амалиётини қайта кўриб чиқиш ва банк ҳисобрақамларини очиш жараёнини автоматлаштириш таклиф этилди.

Кичик бизнес субъектларига нисбатан маъмурий босимни камайтириш мақсадида тадбиркорга хатоларни мустақил тузатиш имкониятини бериш ҳамда солиқ хавфи 500 миллион сўмгача бўлган ҳолатларда солиқ аудити, 100 миллион сўмгача бўлганда эса сайёр солиқ текширувини ўтказмаслик тартибини жорий этиш таклиф қилинди.

Умумий овқатланиш ва меҳмонхона хизматлари соҳасида ҳам бир қатор енгилликлар назарда тутилган. Жумладан, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини нақд шаклда реализация қилишга рухсат бериш, ҚҚСнинг бир қисмини қайтаришда нақд пулсиз тушум улушига доир талабни бекор қилиш, айрим ходимларни соддалаштирилган тарзда расмийлаштириш таклиф қилинди.

Ушбу чоралар 600 мингдан ортиқ кичик бизнес субъекти учун қонуний ўсиш имкониятини ошириши кутилмоқда. Солиқ базаси шаффофлашиши ҳисобига бюджетга йилига камида 2 триллион сўм қўшимча тушум тушиши прогноз қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари ушбу таклифларни маъқуллаб, кичик бизнесга қулай ва адолатли шароит яратиш, солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш ҳамда рақамлаштириш орқали тадбиркорларни фаолиятини кенгайтиришга рағбатлантириш ва ишончини мустаҳкамлаш юзасидан мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

# КЎМИР НАРХЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИГА ЎТИЛАДИ

◄1 Амалдаги тартибда нархларни маъмурий белгилаш ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий барқарорлигига, янги инвестиция киритиш ва қазиб чиқариш ҳажмини ошириш имкониятларига таъсир кўрсатаётгани қайд этилди.

Шу муносабат билан 2026 йил 1 июндан бошлаб кўмир нархларини давлат томонидан белгилаш амалиётини бекор қилиш ҳамда кўмирни давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий аҳамиятли товарлар стратегик турлари рўйхатидан чиқариш таклиф қилинди. Бунда кўмир нархи талаб ва таклиф асосида шаклланади, истеъмолчиларга биржа савдолари орқали сотилади.

Ушбу ёндашув соҳада очиқ рақобат муҳитини яратиш, барча иштирокчилар учун тенг шароит таъминлаш, ишлаб чиқарувчиларни қўшимча ҳажм ва сифат учун рағбатлантиришга хизмат қилади. Иссиқлик электр станциялари ва йирик истеъмолчилар кўмирни “таклиф сўрови” тартиби асосида, ҳисобот давридаги ўртача биржа нархларида харид қилиши мумкин бўлади.

Аҳоли ва бюджет муассасаларини кўмир билан барқарор таъминлаш учун алоҳида механизм жорий этилади. Кўмир қазиб чиқарувчилар маҳсулотни биржа савдоларида алоҳида савдо майдончаси орқали етказиб берувчи тадбиркорларга сотади. Тадбиркорлар омборхонаси, техникалари ва солиқ рейтинги каби мезонлар асосида электрон тизим орқали танланади.

Республика бўйича аҳоли ва бюджет ташкилотларига етказиб бериладиган кўмир нархлари ўртасидаги тафовутни бартараф этиш мақсадида темир йўлда ташиш ягона тариф асосида амалга оширилади. “Кўмир таъминот” масъулияти чекланган жамияти фаолияти тугатилиб, ҳудудлардаги 96 та кўмир омбори ва техникалар аукцион савдолари орқали сотилади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Mycoal.uz портали орқали кўмир сотиб олган Ижтимоий реестрга киритилган оилаларга жорий йил июнь — декабрь ойларида 600 минг сўмгача бир марталик моддий ёрдам ажратилади. Бу чора бозор механизмларига ўтиш шароитида эҳтиёжманд оилаларни манзилли ҳимоя қилишга қаратилган.

Импорт кўмир сифати ва экологик хавфсизлиги бўйича ҳам янги талаблар белгиланади. Республика ҳудудига олиб кириладиган кўмирнинг олтингугурт миқдори, калорияси ва бошқа кўрсаткичларига талаблар ишлаб чиқилади. Белгиланган экологик ва сифат талабларига жавоб бермайдиган импорт кўмирдан республика ҳудудида фойдаланиш ва уни сотиш тақиқланади. Келгусида кўмир импорти фақат темир йўл орқали амалга оширилади.

Тақдимотда Нишбош кўмир конини ўзлаштириш инвестиция лойиҳаси ҳақида ҳам ахборот берилди. Ушбу лойиҳанинг умумий захираси 233 миллион тонна, йиллик қазиб чиқариш қуввати 10 миллион тоннани ташкил этади. Қиймати 494 миллион доллар бўлган лойиҳа доирасида 880 та иш ўрни яратилади.

Шунингдек, ушбу кон негизида умумий қуввати 1,4 гигаватт бўлган янги иссиқлик электр станциясини қуриш таклиф қилинди. Лойиҳага кўра 1,3 миллиард доллар инвестиция жалб қилиниб, ҳар бири 350 мегаватт қувватга эга 4 та энергоблок ультра юқори критик технологиялар асосида қурилади.

Қурилиш даврида 1500 та, лойиҳа тўлиқ ишга тушгач 310 та иш ўрни яратилади. Станция йилига ўртача 9,8 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариши, 2 миллиард кубометр табиий газни тежаш имконини бериши кутилмоқда.

Шунингдек, тақдимотда тоғ-кон саноатида маҳаллийлаштириш ва саноат кооперациясини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Хорижий инвестиция лойиҳаларида маҳаллий маҳсулотлар улушини ошириш, йирик комбинатлар ва тармоқ корхоналари эҳтиёжларини бирлаштириш, узоқ муддатли шартномалар асосида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш муҳимлиги қайд этилди.

Таҳлилларга кўра, тоғ-кон саноатида импорт ўрнини босиш салоҳиятини 2,1 миллиард долларгача етказиш имконияти мавжуд. Бу, аввало, техника, эҳтиёт қисмлар, кимёвий реагентлар ва йирик агрегатлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳисобига таъминланади.

Шу муносабат билан 2027 — 2030 йилларга мўлжалланган тоғ-кон саноатида маҳаллийлаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш топширилди.

Давлатимиз раҳбари таклифларни маъқуллаб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

# ТРАНСПОРТ СОҲАСИДАГИ ЙИРИК ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ

◄1 Хусусан, Навоий халқаро аэропорти фаолиятини лойиҳавий бошқарув тамойиллари асосида ташкил этиш, унинг тижорат мустақиллигини ошириш ишлари олиб борилмоқда. Унга маҳаллий ва хорижий авиакомпаниялар билан йўловчи ва юк ташиш, транзит ҳамда техник қўнишлар бўйича мустақил музокаралар олиб бориш ва шартномалар тузиш ҳуқуқи берилган.

2030 йилга бориб аэропортда парвозлар сонини 2,3 баробар ошириб, йилига 7 мингтага, йўловчи ташиш ҳажмини 150 минг нафарга, юк ташишни эса 45 минг тоннага етказиш кўзда тутилган. Шунингдек, аэропорт ҳудудида ҳаво кемаларига техник ва тижорат хизматлари кўрсатишга ихтисослашган “порто-франко” эркин зонаси ташкил этилади.

Тақдимотда Янги Тошкент халқаро аэропортини қуриш лойиҳаси кўриб чиқилди.

Аэропорт йилига 20 миллион йўловчига хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлади. Йўловчи терминали майдони 208,4 минг квадрат метрни ташкил этиб, 169 та ҳаво кемаси тураргоҳи, ҳар бири 4 километрдан бўлган 2 та учиш-қўниш йўлаги барпо этилади.

Ҳозирга қадар халқаро молия институтлари талаблари асосида экологик ва ижтимоий таъсирни баҳолаш ишлари ўтказилди. Лойиҳа ҳудудида канал, коллектор ва электр тармоқларини кўчириш ишлари бошланган. Айни пайтда лойиҳа ва пудрат ташкилотлари билан музокаралар олиб борилмоқда.

Фуқаро авиацияси корхоналарини авиаёқилғи билан таъминлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Аэропортлардаги ёқилғи қуйиш мажмуаларининг умумий сиғими 49 минг тоннани ташкил этади. 2030 йилга қадар маҳаллий авиаёқилғи ишлаб чиқариш ҳажмини йилига 600 минг тоннага, авиаёқилғи сақлаш қувватларини эса 80 минг тоннага етказиш режалаштирилган. Бу мақсадда Навоий, Андижон, Бухоро, Урганч ва Янги Тошкент халқаро аэропортларида янги сақлаш қувватлари барпо этилади.

Ёқилғини сақлаш ва қуйиш жараёнларини халқаро стандартларга босқичма-босқич ўтказиш зарурлиги қайд этилди. Ёқилғи қуйиш мажмуаларини бошқариш жараёнлари жорий йилда тўлиқ рақамлаштирилиши, аэропортлар ёқилғи қуйиш мажмуалари фаолиятида технологик жараёнлар талабларига риоя этилиши устидан тизимли давлат назорати ўрнатилиши белгиланди.

Давлатимиз раҳбари транспорт инфратузилмасини ривожлантиришда лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги, қурилиш сифати, хавфсизлик талаблари ва аҳоли учун қулайлик асосий мезон бўлиши зарурлигини таъкидлади ҳамда тегишли кўрсатмалар берди.

**ЎзА.**

# КУН ТАРТИБИДА ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

*Кеча Олий Мажлис Сенати қўмиталарида муҳим масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтди. Уларда қатор қонунлар, Жаҳон банкининг “Аёллар, бизнес ва қонун” индексида Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш ҳамда аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор ва узлуксиз таъминлаш, нарх-наволарнинг кескин тебранишларини юмшатиш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.*

## Сенат қўмиталарида

Дастлаб Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси мажлисида “Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун муҳокамаси давомида қайд этилганидек, аҳолининг суғуртага оид саводхонлигини ошириш, молиявий хизматлардан фойдаланишда юзага келиши мумкин бўлган хатарлар ҳақида фуқароларни олдиндан огоҳлантириш механизмларини янада такомиллаштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.



Мазкур қонун билан “Реклама тўғрисида”ги Қонунга қатор қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда. Хусусан, аҳолининг суғуртага оид саводхонлигини оширишга қаратилган тарғибот материалларини ижтимоий ахборот сифатида эътироф этиш назарда тутилиб, ваколатли органлар мазкур йўналишдаги ижтимоий реклама берувчилар қаторига киритилмоқда.

Кредит ва микроқарз рекламасида қарз мажбуриятларини бажармаслик молиявий хатарларни юзага келтириши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантириш бўлиши кераклиги ҳамда бундай огоҳлантириш рекламанинг асосий майдони ва вақтининг камида ўн фоизини ташкил этиши лозимлиги белгиланмоқда.

Шунингдек, сенаторлар “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига тадбиркорлик субъектлари учун тартибга солиш юкини камайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунни ҳам кўриб чиқди.

Қонун талабларини бузган тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланилаётган айрим ҳуқуқий таъсир чоралари ҳамда ортиқча маъмурий тартиб-таомиллар уларнинг фаолиятини тезкор тиклаш имкониятларини чеклаётгани қайд этилди.

Қонун билан Иқтисодий процессуал ва Солиқ кодексларига солиқ органининг тадбиркорлик субъекти банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш ҳақидаги қарорига тадбиркорлик субъекти томонидан эътироз билдирилган тақдирда ушбу масала суд тартибида кўриб чиқилишига оид ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек, банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин мазкур чекловларни бекор қилишнинг аниқ тартиби назарда тутилмоқда.

Қўмита аъзолари таъкидлаганидек, мазкур қонунлар истеъмолчиларнинг молиявий саводхонлигини ошириш, уларни ишончли ва холис ахборот билан таъминлаш ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ортиқча аралашувларни камайтириш, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

* * *

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш, маҳсулотлар устидан давлат назорати тартиб-таомилларини Жаҳон савдо ташкилотининг қоидаларига мувофиқлаштириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мутахассисларнинг эътирофича қонуннинг қабул қилиниши миллий сифат инфратузилмасининг бошқарув моделини яратишга, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларида манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга, шунингдек, мазкур соҳаларда қўлланиладиган айрим талаблар ҳамда атамаларни Жаҳон савдо ташкилотининг қоидалари ва нормаларига мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Шунингдек, қўмита мажлисида “Юксалиш” ҳаракати билан ҳамкорликда аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор ва узлуксиз таъминлаш, нарх-наволарнинг кескин тебранишларини юмшатиш мақсадида бозор механизмлари асосида захира интервенция тизимини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳамда келгусидаги вазифаларнинг муҳокамасига бағишланган жамоатчилик эшитуви ҳам ўтказилди.

Муҳокамада мамлакатда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, захира интервенция тизимини жорий қилиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, озиқ-овқат ва чорвачилик маҳсулотлари нархларини барқарорлаштиришда молиявий қўллаб-қувватлаш, субсидиялар ажратиш ҳамда нархларни мувофиқлаштириш бўйича белгиланган мақсадларга алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, республикада 2026 йил ҳосили учун 1,2 млн. гектар бошоқли дон, 270 минг гектар майдонга мойли экинлар экилган. Шунингдек, 720 минг тонна шоли етиштириш режалаштирилган.

Шу билан бир қаторда охирги беш йил ичида қорамол гўшти етиштириш ҳажми 14,3 фоизга ўсиб, маҳсулот ишлаб чиқаришда фермер хўжаликларининг улуши ошиб борган. Наслчилик ишларини тизимли йўлга қўйиш ҳамда сунъий уруғлантириш марказларини ривожлантириш натижасида маҳсулдор зотлар улуши 70 фоизга етказилган. Бунинг натижасида ички бозорда истеъмол ҳажми ортиб, мамлакатда аҳоли жон бошига ўртача гўшт истеъмоли йилига 25,3 кг.дан 29,4 кг.гача ўсган.

Йиғилишда амалга оширилган ишлар билан бир қаторда иқлим ўзгариши, сув танқислиги ва қурғоқчилик, омихта ем нархларининг кескин ошиб бориши, юқумли касалликлар кўпайганлиги ҳамда уларга қарши курашиш қийинлашиб бораётгани ва яйловларнинг қисқариб, таннархнинг ошиб кетиши каби ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Йиғилиш якунида аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор ва узлуксиз таъминлаш, нархларнинг кескин тебранишларини юмшатиш мақсадида захира интервенция тизимини жорий этиш борасидаги мавжуд муаммоларни бартараф қилишга қаратилган таклиф ва тавсиялар берилди.

* * *

Шунингдек, Сенатнинг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мажлисида Жаҳон банкининг “Аёллар, бизнес ва қонун” индексида Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар кўриб чиқилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири ўринбосарининг мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахбороти эшитилди.

Қайд этилганидек, Жаҳон банкининг 2025 йилги ҳисоботига кўра Ўзбекистон мазкур индексда 190 та давлат орасида 43 поғона юқорилаб, 82,1 балл билан 48-ўринни эгаллади. Индекснинг 5 та индикатори — “Ҳаракатланиш эркинлиги”, “Оила”, “Меҳнатга ҳақ тўлаш”, “Бола парвариши” ҳамда “Мулкка эгалик қилиш” бўйича максимал — 100 баллга эришган.

Шу билан бирга, таҳлиллар айрим йўналишларда қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатмоқда. Хусусан, меҳнат муносабатлари, тенг иш ҳақи, ота-оналик мажбуриятлари, болалар парвариши инфратузилмаси, мулкий ҳуқуқлар ҳамда пенсия таъминоти соҳаларида мамлакат кўрсаткичларини янада яхшилаш имкониятлари мавжуд. Шулардан келиб чиқиб мазкур соҳаларда Ўзбекистоннинг халқаро рейтингдаги ўрнини янада мустаҳкамлашга қаратилган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Хусусан, масъул вазирлик ва идораларга меҳнат муносабатлари, тенг иш ҳақи сиёсати, оталик ва оналик ҳуқуқларини такомиллаштириш, халқаро экспертлар билан ҳамкорликни кучайтириш, амалга оширилган ислоҳотлар бўйича асосли маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш ҳамда индекс натижалари юзасидан мунтазам таҳлил ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш вазифалари юклатилди.

Шунингдек, белгиланган чора-тадбирлар ижроси устидан тизимли парламент назорати ўрнатилиши, мутасадди ташкилотлар томонидан ҳар чоракда ахборот тақдим этиб борилиши белгиланди.

Мажлис сўнгида хотин-қизларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, мамлакатнинг халқаро рейтинглардаги позициясини янада яхшилаш бўйича ишларни изчил давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан қўмиталарнинг тегишли қарорлари қабул қилинди ва чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БУНЁДКОРЛИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИ

◄1 Шу ўринда охирги уч йилдаги рақамларга эътибор қаратсак, ялпи ҳудудий маҳсулот 2023 йилда 74,1 триллион сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилда 99,9 триллион сўмга, 2025 йилда 121,5 триллион сўмга етди. Ўсиш суръати ҳам 2023 йилда 5,6 фоиз, 2024 йилда 6,9 фоиз, 2025 йилда 8,0 фоиз бўлган. Уч йиллик динамика вилоят иқтисодиётида барқарор ўсиш шаклланаётганини кўрсатади.

Ҳозирги кунда саноат, инвестиция ва қурилишдаги ўсиш аҳоли бандлиги ҳамда маҳаллий бюджет даромадлари учун муҳим асос яратаётган бўлса, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик, чорвачилик маҳсулотлари ички бозорни тўлдириш билан бирга, вилоят иқтисодиётига қўшимча қиймат олиб кирмоқда.

Самарқанд тараққиётини туризмсиз тасаввур қилиб бўлмайди. 2025 йилда вилоятга 3 миллиондан ортиқ хорижлик ва 5,3 миллион маҳаллий сайёҳлар келгани эса ушбу соҳа ҳудудда нафақат туристлар оқимини, балки хизматлар ва кичик бизнес занжирини ҳам кенгайтираётгани бор гап.

Имом Бухорий мажмуаси, Имом Мотуридий мероси, қадимий қадамжоларни асраб-авайлаш, халқаро анжуманлар ва фестивалларнинг Самарқандда ўтказилиши халқимизда ўз тарихи ва келажагига бўлган ишончни кучайтирмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Имом Бухорий мажмуасининг янгидан бунёд этилиши ва унинг атрофида замонавий инфратузилма яратилиши зиёрат туризми учун янги имкониятларни кенг очмоқда.

Самарқанд вилоятидан сайланган депутат сифатида туман ва маҳаллаларга борганимда, одамлар билан юзма-юз суҳбатлашганимда шуни ҳис қиламанки, тараққиёт одамлар даромади, бандлиги, тадбиркорлик фаоллиги ва маҳаллалардаги амалий ўзгаришларда кўринади. Бу янгиланишлар эса аҳоли ҳаётига кириб бормоқда. Кейинги йилларда



шаҳар ва туманларда барпо этилаётган замонавий йўллар, меҳмонхоналар, янги уй-жойлар, мактаб ва боғчалар, тиббиёт муассасалари бунга яққол мисолдир.

Албатта, бундай кенг қамровли ўзгаришларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси ҳам яратилди. Президентимиз ташаббуси билан Қонунчилик палатаси томонидан Самарқанд вилоятининг маъмурий-ҳудудий ривожланиши билан боғлиқ қатор муҳим қарорлар қабул қилинди. Хусусан, Каттақўрғон шаҳри, Каттақўрғон ва Нуробод туманлари чегараларини ўзгартириш, Самарқанд туманини тугатиш ҳамда Самарқанд шаҳри, Оқдарё, Пастдарғом ва Тойлоқ туманлари ҳудудларини қайта белгилашга оид қарорлар ҳудудларни комплекс ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу қарорлар орқали шаҳар атрофидаги ҳудудларни замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини кенгайтириш ва инвестицияларни жалб қилиш имкониятлари янада ортди.

Энг муҳими, Самарқандда Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган ишлар одамлар кайфиятида, ҳаётга муносабатида, эртанги кунга ишончида яққол сезилмоқда.

Самарқанд бугун фақат тарихий мероси билан эмас, балки замонавий иқтисодий фаоллиги, туризм салоҳияти ва аҳоли ҳаётидаги ўзгаришлар билан ҳам Янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим ҳудудий намунасига айланиб бормоқда.

**Азамат ПАРДАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ЭПИЗООТИК БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА ҚАНДАЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА?

*Ўзбекистонда ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликлари келиб чиқишининг олдини олишга қаратилган тадбирлар устидан назоратни янада кучайтириш ҳамда эпизоотик барқарорликни таъминлаш, ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликларининг бошқа давлатлардан кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида ҳар йили эпизоотияга қарши курашиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб ҳайвонларни эмлаш, диагностика ва мониторинг ҳамда аҳоли орасида тушунтириш-ташвиқот ишлари амалга оширилади.*

## Сенатор сўрови

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ҳам мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантириш, ветеринария хизмати фаолиятини такомиллаштириш, эпизоотик барқарорликни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар бажариб келинди.

Бироқ сўнгги пайтларда айрим хорижий давлатларда чорва моллари ўртасида юқумли ва ўта хавфли эпизоотик касалликларнинг авж олиши билан боғлиқ ҳолатлар жамоатчилик ҳамда шу соҳадаги тадбиркорлик субъектларида хавотир уйғотмоқда.

Чорва молларининг аксарият қисми аҳоли ва кичик чорвачилик фермер хўжаликларда сақланиши соҳада назоратнинг тарқоқлигини кўрсатади. Бу эса эпизоотик барқарорликни таъминлашга, аҳоли саломатлигига, озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин.

Ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликлари келиб чиқишини аниқлашга қаратилган тадбирлар устидан назоратни янада кучайтириш, уларни бошқа давлатлардан кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш долзарб масала ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Сайёра Абдикаримова Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси ўринбосари Шуҳрат Жабборовга сенатор сўров юборди.

Унда ҳудудларда ўтказилаётган тадбирлар, ветеринария назорати, чорва молларини оммавий эмлаш қамрови, вакцина, биопрепаратлар ва бошқа воситалар билан таъминланганлик даражаси, ветеринария лабораторияларининг моддий-техника базаси, эпизоотик вазиятни прогноз қилиш, ҳайвонларни идентификациялаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва соҳадаги муаммолар юзасидан тушунтириш бериш сўралган.

**«Халқ сўзи».**

**Президентимиз фармойишига кўра, 2026 йилдан ҳар йили умумтаълим мактабларида ўқиётган ёшларнинг китоб ўқишга қизиқишини қўллаб-қувватлашга қаратилган миллий китобхонлик ҳаракати ўтказилади.**

Муносабат

# ЭЗГУЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК АЙЁМИ

*Ҳар бир жамиятнинг маънавий қиёфаси унинг ўз тарихи, анъаналари ва қадриятларига муносабатида намоён бўлади. Миллий ҳамда диний байрамлар эса халқнинг руҳий бирлиги, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик туйғуларини мустаҳкамлайдиган муҳим маънавий омиллардан саналади.*



Мамлакатимизда муборак Қурбон ҳайитини муносиб нишонлаш бўйича Президентимиз томонидан қабул қилинган қарор нафақат ташкилий аҳамиятга, балки чуқур ижтимоий-маънавий мазмунга ҳам эга. У байрамни кенг нишонлаш билан бирга, жамиятда меҳр-оқибат, саховат, шукроналик ва бағрикенглик муҳитини янада кучайтириш ғоясини ўзида мужассам этгани боис халқимиз томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди. Чунки қарорда инсон қадри, меҳр-оқибат, саховат ва бағрикенглик ғоялари яна бир бор устувор аҳамият касб этгани барчамиз учун қувонарлидир.

Қурбон ҳайити асрлар давомида халқимизни эзгуликка, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликка чорлаб келаётган муқаддас байрамларимиздан биридир. Айниқса, бугунги кунда юртимизда "Инсон қадри учун, инсон бахти учун" тамойили асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятида ҳам ушбу қадриятлар ўз ифодасини топмоқда.

У инсонни эзгуликка, бошқалар дардига шерик бўлишга, муҳтожларга кўмак беришга ундайди. Бугунги ислоҳотлар жараёнида ушбу қадриятлар ижтимоий давлат ғояси билан уйғун ҳолда намоён бўлаётгани алоҳида аҳамият касб этади.

2026 йил 27 май куни Қурбон ҳайити кенг нишонланиши муносабати билан қўшимча дам олиш кунларининг белгиланиши фуқароларимиз учун янада қулай шарт-шароитлар яратади. Бу эса оилалар даврасида байрамни кўтаринки руҳда ўтказиш, қариндош-уруғ ва яқинлар ҳолидан хабар олиш, эҳтиёжманд инсонларга меҳр-мурувват кўрсатиш имконини кенгайтиради.

Айниқса, шу кунларда аҳоли учун қулай шароитлар яратилиши, ҳудудларда миллий анъаналаримизга мос тадбирлар ўтказилиши, зиёратгоҳ ва тарихий қадамжоларга ташрифлар халқимизнинг маънавий эҳтиёжларига юксак эътибор ифодасидир.

Бундай ёндашув жамиятда фақат байрам кайфиятини эмас, балки ўзаро масъулият, меҳр ва бирдамлик туйғуларини ҳам мустаҳкамлайди. Зеро, инсонни қадрлаш ҳамда ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик — Янги Ўзбекистон тараққиётининг асосий мезонларидан бири.

Шу боис мазкур қарорни халқимизнинг асрий қадриятларига ҳурмат, жамиятда тотувлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим амалий қадам сифатида баҳолаш мумкин.

Қурбон ҳайити — нафақат диний байрам, балки жамиятда меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлайдиган, инсонларни яхшиликка ундайдиган улуғ айём. Бу каби қарорлар халқимиз бирдамлиги, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Покиза АХМЕДЖАНОВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси, халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши раиси.**

# ЭҲТИЁЖМАНД ҚАТЛАМНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ — БОШ МЕЗОН

*Ўзбекистон янгиланиш ва юксалиш даврига қадам қўйган илк кунлардан бошлабоқ давлат сиёсатининг марказига энг олий қадрият — инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи қўйилди. Хусусан, мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, аҳолининг кам таъминланган ва кўмакка муҳтож қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш, жамиятда меҳр-оқибат, саховат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш изчил ислоҳотларнинг устувор йўналишига айланди. Бу эзгу тамойиллар, айниқса, асрлар давомида халқимизнинг маънавий қиёфасини, бағрикенглик ва одамийлик фазилатларини мужассам этиб келаётган муборак Қурбон ҳайити кунларида янада ёрқинроқ намоён бўлмоқда.*



Бугунги кунда дунёда кечаётган мураккаб иқтисодий ва сиёсий жараёнлар фонида ижтимоий давлат мақомини сақлаб қолиш ва уни мустаҳкамлаш катта масъулият ва сиёсий иродани талаб этади. Ўзбекистон етакчиси раҳнамолигида амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат айнан мана шу масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда ҳеч бир фуқарони ўз муаммолари билан ёлғиз қолдирмаслик устувор вазифа эканини кўрсатмоқда. Қурбон ҳайити арафасида ишлаб чиқилган ва давлатимиз раҳбарига тақдим этилган кенг кўламли чора-тадбирлар дастури ушбу фикрнинг яқин тарихдаги энг йирик исботидир.

Бу ерда муҳим жиҳат шундан иборатки, давлат органлари ва диний-ижтимоий ташкилотларнинг бир мақсад йўлида бирлашиши жамиятдаги ижтимоий шериклик тизимини янги босқичга олиб чиқди. Ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадондаги реал ҳолат ўрганилиб, ҳақиқий кўмакка муҳтож фуқаролар, сурункали хасталиклардан азият чекаётган болалар ва ёлғиз кексаларнинг рўйхатлари шакллантирилди. Натижада Қурбон ҳайити муносабати билан амалга ошириладиган тадбирлар шунчаки бир марталик байрам тадбири эмас, балки инсонлар ҳаётини тубдан яхшилашга хизмат қиладиган тизимли ижтимоий лойиҳага айланди.

Дастурнинг энг таъсирли ва юқори инсонпарварлик аҳамиятига эга йўналишларидан бири бу оғир хасталикларга чалинган болалар ва беморларнинг соғлиғини тиклаш билан боғлиқ чора-тадбирлардир. Ҳеч бир жамиятда болалар соғлиғидан кўра муҳимроқ қадрият бўлиши мумкин эмас. Мазкур ташаббус доирасида оғир ва ногиронликни келтириб чиқарувчи касалликларга чалинган 10 минг нафар болада мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилиши белгиланди. Бу минглаб оилаларга қувонч ва умид қайтаради деганидир.

Шу билан бирга, тиббиёт тизими учун ниҳоятда қиммат ва мураккаб ҳисобланган онкологик, гематологик ва онкогематологик ташхиси қўйилган 2,3 минг нафар беморни тиббий текширувдан ўтказиш, уларни тизимли даволаш ва жарроҳлик харажатлари тўлиқ давлат ва жамоат фондлари томонидан қопланади. Энг қувонарлиси, замонавий тиббиётнинг энг юқори чўққиси бўлган ва жуда катта маблағ талаб этадиган жигар ва буйрак трансплантацияси амалиётларини камида 350 нафар беморда ўтказиш харажатлари ҳам ушбу дастур доирасига киритилган. Бу қадам, ўз навбатида, юзлаб юртдошларимизни соғлом ҳаётга қайтариш имконини беради.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам дастурда жуда теранлик билан акс эттирилгани ҳар қандай инсонни қувонтиради. Президент ташаббуси билан 8 минг нафардан зиёд етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болалар ҳамда Ватанимиз сарҳадларини ҳимоя қилиш, юрт тинчлигини асраш йўлида қурбон бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг фарзандларига алоҳида эътибор қаратилаётгани эътиборга молик, албатта.

Қурбон ҳайити — бу маънавият, поклик ва ободончилик айёми. Шу сабабли тақдим этилган чора-тадбирлар мажмуида диний ва маънавий қадриятларимизни тиклаш, аҳоли учун қулай шароитлар яратиш масаласига ҳам алоҳида урғу берилган. Маълумки, масжидлар ва зиёратгоҳлар халқимизнинг энг кўп ташриф буюрадиган, руҳий ором оладиган масканлари ҳисобланади.

Режага кўра, юртимиздаги 500 та масжидда аҳоли, айниқса, кексалар, аёллар ва имконияти чекланган шахслар учун қулай шароитлар яратиш мақсадида замонавий таҳоратхоналар қурилади, реконструкция қилинади ёки тубдан таъмирланади.

Ўзбекистонда Қурбон ҳайити арафасида амалга оширилаётган ушбу умуммиллий тадбирлар мамлакатимизнинг янги ижтимоий қиёфасини белгилаб беради. Бу лойиҳалар шунчаки моддий кўмак эмас, балки жамиятда меҳр, оқибат, ўзаро ишонч ва фуқароларга чексиз ғамхўрлик рамзидир. Зеро, инсон қадри улуғланган, адолат ва муҳаббат устувор юртда, албатта, барака, тинчлик ва тараққиёт бардавом бўлади.

**Гулнорахон АБДУВОҲИДОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТДА БАРАКА БЎЛАДИ

1

Бундай ғамхўрлик ва эътибор жамиятимизда азалдан қарор топган меҳр-мурувват, инсон қадрини улуғлаш каби қадриятларни янада мустаҳкамламоқда. Зеро, инсон қадри эъзозланган, аҳоли манфаати устувор юртда тинчлик, қут-барака ва фаровонлик барқарор бўлади. Энг муҳими, одамларимиз қалбида эртанги кунга ишонч, ҳаётдан розилик ва Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси янада жўш уради.

Муборак Қурбон ҳайити кунларида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган, меҳр-оқибат ва саховатдан кўнгиллари равшан ватандошларимизнинг самимий дил сўзлари, эзгу тилаклари ва байрам таассуротларини сизга илиндик.

## Фаол ҳаётга қадам

**Исо ИБОТОВ (Жондор тумани):**

— Менинг ҳам, турмуш ўртоғимнинг ҳам ногиронлиги бор. Бироқ биз ҳаёт қийинчиликлари олдида ўзимизни ёлғиз ҳис этаётганимиз йўқ. Маҳалламиз ижтимоий ходими, қўни-қўшнилар аҳволимиздан доимо хабардор. Айниқса, менга Рамазон ойи кунларида электрон юритмали аравача берилгани



айни муддао бўлди. Энди мустақил тарзда кўчага чиқа оламан, қишлоқдошларим билан дийдорлашаман. Шунинг ўзи мен учун катта бахт.

Оиламизга "Фаол ҳаётга қадам" дастури асосида турли ёрдамлар кўрсатилмоқда. Турмуш ўртоғим Рушана Тўраева кундузги хизматга жалб этилган. Болаларимиз учун нафақа тайинланган. Уларга ўқув жиҳозлари олиб берилиб, дарсдан сўнг ташкил қилинадиган машғулотларга бепул қатнашишлари учун шароит яратилган. Бундан жуда хурсандмиз.

Эътиборлиси, Қурбон ҳайити арафасида бизга ва бизга ўхшаб ҳаёт машаққатларини чеккан оилаларга Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Бухоро вилояти бошқармаси, маҳаллалар, савобталаб инсонлар томонидан кўрсатилаётган моддий ва маънавий кўмак қамрови кенгаймоқда. "Инсон қадри учун" тамойили асосида амалга оширилаётган бу хайрли амаллар юрагимизда эртанги кунга ишончни янада мустаҳкамлаяпти.

## Бағрикенглик намунаси



**Ҳасан АБДУВОҲИДОВ (Сирдарё вилояти):**

— Агар мендан Янги Ўзбекистонда энг юксак даражада эъзозланаётган қадрият нима деб сўралса, албатта, инсонийлик, инсон қадрига катта эътибор деб жавоб берган бўлар эдим.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, яратувчанлик, бунёдкорлик ишларининг замирида халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтиришдек эзгу мақсад бор. Айниқса, кейинги ўн йилда аҳолининг кам таъминланган, эҳтиёжманд қатламини ижтимоий ҳимоя қилишнинг самарали тизими жорий этилгани ва бу хайрли иш давлат сиёсатининг доимий ва устувор вазифасига айлангани эътиборга молик.

Хусусан, Қурбон ҳайити муносабати билан эҳтиёжманд аҳолини қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган катта миқёсдаги тадбирлар бунга мисолдир. Зеро, мазкур эзгу иш туфайли минглаб юртдошларимизнинг мушкули осон бўлади. Жумладан, оғир ва ногиронликни келтириб чиқарувчи касалликка чалинган 10 минг нафар болада бепул жарроҳлик амалиёти ўтказилади дегани, бу — 10 минг ўғил-қизга саломатлик ато этилади, 10 минг оилага шодлик олиб кирилади деганидир. Битта эзгу иш бир эмас, бир неча кўнгилларни обод қилади.

## Орзуим — Ватанга содиқ фарзанд бўлиш

**Ноилапошшо САЙДАЛИЕВА (Фарғона шаҳри):**

— Акам иккимизни кекса бувимиз қарамоғига олган бўлса-да, қалбимизда ҳеч қачон ўксиклик ҳисси бўлмаган. Чунки давлатимиз, Президентимиз худди меҳрибон ота-онамиз каби доимо бизга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда.

Ўзимиз истиқомат қиладиган қадрдон Жомий маҳалласи масъуллари, унга бириктирилган "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази ходими ҳар куни ҳолимиздан хабар олади. Айниқса, миллий байрамларимиз, ҳайит кунлари хонадонимиздан меҳмонлар қадами узилмайди.

Кеча ижтимоий ходим уйимизга келиб давлатимиз раҳбарининг Қурбон ҳайити муносабати билан эҳтиёжманд аҳолини қўллаб-қувватлаш ҳақидаги қарорини ўқиб берди. Бу каби доимий эътибор ва рағбат қалбимизни тоғдек юксалтиради. Байрам муносабати билан турли совғалар ва моддий ёрдам берилишини эшитиб, беҳад севиндик.

Шунингдек, патронаж хизматига олинганим учун ҳар ойда 1 миллион 600 минг сўм моддий ёрдам оламан. Шу билан бирга, мавсумга қараб йилига икки маротаба кийим-кечак берилади.

Акам ўтган йили имтиёзли давлат гранти асосида Тошкентдаги нуфузли олий таълим муассасасига ўқишга кирган эди. Биринчи курсни муваффақиятли тамомлади. Ўзим Фарғона шаҳридаги 26-умумтаълим мактабининг 9-синфини аъло баҳоларда тугатдим. Яқинда Фарғона шаҳар "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази мутахассислари уйимизга келишиб, ёзги таътилда бепул инглиз тили, IT курсига қатнашим учун махсус йўлланма тақдим этишди.

Ҳайит байрамини яхши ўтказиб олгач ўқув курсларига қатнай бошлайман. Орзуим акам сингари пойтахтимиздаги олий таълим муассасасида ўқиш ва келажакда Ватанга содиқ фарзанд бўлишдир.

## Чорак аср уйдан чиқмаган эдик...

**Алишер РАҲМОНОВ (Қарши шаҳри):**



— Мен ва укам Рустам Раҳмонов болаликдан 1-гуруҳ ногиронимиз. Мустақил ҳаракатлана олмаймиз. Ёшликдан ҳаётга интилишларимиз юқорилиги боис укам иккаламиз шахматни, шашкани ўргандик, бу борада анча тажриба тўпладик.

Орадан йиллар ўтаверди. Улғайганимиз сари жисмоний камчилигимиз тобора сезилиб, аста-секин жамиятдан ажралиб қола бошладик. Сўнгги чорак аср давомида эса деярли остона ҳатлаб кўчага чиққанимиз йўқ. Ногиронлик нафақаларини олиб турдик, лекин эътибордан четда эдик. Тўғри, авваллари бу ҳақда ўйламаганмиз, лекин бугун давлатимиз томонидан биз каби ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга қаратилаётган юксак ғамхўрликни кўриб, аввалги қийинчиликлар кўз ўнгимиздан ўтяпти.

Бирмунча вақт аввал уйимизга маҳалладаги ижтимоий ходим келиб, ўзини таништирди. Президентимиз ташаббуси билан ҳамма жойда шундай штатлар очилгани, уларнинг вазифаси биз каби ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар билан ишлаш, уларни жамиятга қайтариш эканини айтди. Муаммоларимизни бирма-бир ёзиб олди.

Орадан кўп ўтмай укам иккимиз тиббий кўрикдан ўтказилдик, саломатлигимизни тиклашимиз учун санаторийга йўлланма берилди. "Саховат ва кўмак" жамғармаси ҳисобидан даволанишимиз учун маблағ ажратилди. Электрон ногиронлик аравачалари билан таъминландик. Натижада уйдан кўчага чиқдик, маҳалла ичида бемалол ҳаракатланиб юрадиган бўлдик, одамларга қўшилдик.

Бизга маҳаллада шахмат клуби очиб беришди ва мураббийликни бошлаб юбордик. Ҳозир йигирмадан ортиқ шогирдларимиз бор. Ахир ўзимиз ёқтирган иш билан шуғулланяпмиз, қолаверса, фаолиятимиз ортидан даромад топяпмиз. Бу чорак аср уйдан чиқмаган киши учун жуда катта бахт.

Ҳозир турли байрамлар, улуғ айём кунлари муносабати билан маҳалла фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари бизни тез-тез йўқлаб туришади. Бундан укам иккимизнинг кўнглимиз тоғдек юксалади. Бизни жамиятга, қизғин ҳаётга қайтарган ҳукуматимиздан жуда миннатдормиз.




## Фарзанд ташвишидан улуғроқ иш йўқ

**Илҳомжон СУЛТОНОВ (Наманган тумани):**

— Олтмиш уч ёшдаман, яъни ҳали жуда кексайиб, куч-қувватдан қолмаган бўлсам ҳам, соғлигим сабабли ногиронлик гуруҳида тураман. Яккаю ягона ўғлимиз ҳам туғма ногирон — ўзи юра олмайди. Ота-боболаримиз дуоларида "Тўрт мучанг соғ бўлсин", дея такрорлашлари бежиз эмас экан. Ўзимиз ҳам, фарзандларимиз соғлом бўлиб, ҳамма қатори меҳнат қилиб юришга нима етсин?!

Лекин саховатли одамлар орасида, давлатимизнинг парвариши, Президентимизнинг ғамхўрлиги оғушида умр кечираётганимиз бизга катта таскин бағишлайди. Ҳар йили бирор байрам йўқки, маҳалла, ҳокимият ва бошқа турли ташкилотлардан йўқланмаган бўлсак. Озиқ-овқат маҳсулотлари, рўзғорга керакли буюм-анжомлар билан кириб келиб кўнглимизни тоғдек кўтариб кетишади. Мана, бу йил ҳам ҳомийлар беш киловаттли қуёш панелини ўрнатишди, уйимизни тўлиқ таъмирдан чиқариб беришди.

Кеча маҳалла фаоллари келиб Президентимизнинг Қурбон ҳайити муносабати билан қарор чиқарганларини айтиб, оилавий эҳтиёжларимизни сўраб, ҳайит арафасида яна келамиз дея кўнглимизни кўтариб кетишди. Шундай яхшиликларга бош-қош бўлаётган Президентимизга катта раҳмат. Илоҳим, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, байрамларимиз кўп бўлсин. Қурбон ҳайити шарофати билан юртимизга файзу барака зиёда бўлиб ёғилаверсин деймиз!

## Мени меҳр оёққа турғазди

**Муроджон ЙЎЛДОШЕВ (Шўрчи тумани):**



— Оғир хасталик туфайли оёғимдан айрилганимдан кейин ҳаёт кўзимга қоронғидек туюлганди. Энг қийини — оиламнинг изтиробини кўриш эди. Бир муддат тақдир олдида ожиз қолгандек ҳис қилдим ўзимни. Лекин шу кунларда инсонга меҳр ва эътибор қанчалик катта куч беришини англадим.

"Инсон" ижтимоий хизматлар маркази ходимлари уйимизга келиб, ҳолимиздан хабар олган илк кун ҳали ҳам ёдимда. Шундан кейин ҳаётимизга аста-секин файз кира бошлади. Ногиронлик нафақаси тайинланди, қўлтиқтаёғи ва сон протези берилди. Руҳий тушкунликдан чиқишим учун психологик ёрдам кўрсатилди. Спортга жалб қилиниб, яна ўзимга ишончни ҳис қила бошладим.

Энг муҳими, ёлғиз эмаслигимни сездим. Оиламизга ҳам катта ғамхўрлик кўрсатилди. Синглим Севинч эса турли тўгаракларга қатнашмоқда. Айниқса, байрам кунлари келиб ҳолимиздан хабар олишлари, самимий сўз ва эътиборлари қалбимизга илиқлик бағишлайди.

Бугун ҳаётга бошқача қарай бошладим. Чунки инсонни фақат дори ёки моддий ёрдам эмас, меҳр ҳам оёққа турғизар экан. Президентимизга биз каби ногиронлиги бўлган инсонлар ва эҳтиёжманд оилаларга қаратаётган юксак эътибор ва ғамхўрликлари учун самимий миннатдорлик билдираман. Инсон қадри улуғланаётган юртда яшаётганимдан фахрланаман.

## Президентимиздан чексиз миннатдорман

**Ферузбек БОБОЖОНОВ (Урганч шаҳри):**

— Қурбон ҳайити арафасида юртимизда эҳтиёжманд оилаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва меҳр-оқибат қалбимизга катта умид ҳамда қувонч бағишлади. Президентимиз ташаббуси билан ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари учун бепул жарроҳлик амалиётлари йўлга қўйилгани биз каби ота-оналар учун ҳақиқий байрам совғаси бўлди.

2021 йилда туғилган қизимнинг соғлиғи билан боғлиқ ташвишлар туфайли кўп вақт қийналдик. Операция харажатларини кўтариш имкониятимиз чекланган эди. Ана шундай оғир пайтда давлатимиз томонидан кўрсатилган ёрдам бизга катта мадад бўлди.

Шифокорлар қизимни тиббий кўриклардан ўтказиб, жарроҳлик амалиётига тайёрлашмоқда. Тиббиётимиздаги замонавий имкониятлар, шифокорларимизнинг билим ва тажрибаси билан операция муваффақиятли ўтиши ва қизим тез кунда тенгқурлари қаторида соғлом ҳаёт кечиришига ишонаман. Фарзандимнинг саломатлиги, унинг юзида кулгини кўриш мен учун энг катта бахт!

Қурбон ҳайити — саховат ва инсонпарварлик айёми. Бу хайрли ишлар орқали кўплаб инсонлар қалбига шодлик кириб бормоқда. Илоҳим, юртимиз тинч, Президентимиз омон бўлсин! Меҳр-оқибат ва инсон қадрини улуғлаш борасидаги эзгу ишлар давом этсин!

**«Халқ сўзи».**

**Бугунги кунда кичик ва ўрта бизнесга ажратилган кредитлар портфели 218 триллион сўмни ташкил этмоқда. Бу ялпи ички маҳсулотга нисбатан 12 фоизга тенг.**

# УЙҒОНИШ ФАСЛИ

## Эзгуликка йўғрилган кунлар

*Қуёш Шарқдан чиқади. Бу табиатнинг ўзгармас қонуни. Аммо маънавият, тамаддун ва уйғониш қуёши ҳам Шарқдан чиқиши — бу тарихнинг исботланган ҳақиқати. Бугун биз яшаётган давр, кейинги ўн йилликда Ўзбекистон заминида кечаётган жараёнлар миллатнинг ўзлигини англаши ва Учинчи Ренессанс сари ташлаган улкан қадамидир. Ўтган ҳафтада Президентимиз иштирокидаги тадбирлар бу қадамларнинг нақадар залварли эканини яна бир бор намоён этди.*

**Таҳлил**

### Нажот — билимда

Дунё технология ва рақамлар гирдобида қолган бир пайтда давлатимиз раҳбарининг китобхонлик ҳаракатига бош бўлиши, ёшлар қўлига смартфон эмас, китоб тутишини тарғиб қилиши келажакни маърифат билан қуришга дадил интилишдир. Президентимизнинг китобга меҳри халққа “Нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — билимда” деган даъват бўлиб янгради.

Китоб ўқиган миллат доим ғолиб келади, китобхон жамиятда адолат ва эзгулик устувор бўлади, маънавият ҳамда маърифат тантана қилади.

Мутолаа илк бор қўлига китоб ушлаган боланинг тасаввурини шакллантиради, унда хаёлот ва орзуни уйғотади, ўзи белгилаган соҳада ижодкорлик кайфиятига туртки беради. Шу тариқа буюк кашфиётлар, ижодий парвозлар содир бўлади. Бу эса тараққиётнинг, инсон камолотининг омили, табиат ва жамиятларни ҳаракатга келтирадиган қудрат касб этиш йўлидир. Шахслар, даҳолар шу тахлит туғилади ва биз ўшалар яшаган замонда яшаганимиз ёки ўшалар мансуб миллатга мансублигимиз, ўша замонда, ўша ўлкада таваллуд топганимиз билан, умуман, не бир дахлдорлигимиз бўлса, барчасини ҳис этамиз, ифтихор қиламиз.

Шу билан бирга, яна бир нарса муҳимки, адабиёт бизда нафақат бадиий тафаккурни, балки дидни тарбиялайди, ҳиссиёт оламимизни бойитади, муносабатлар маданиятини пайдо қилади, жамият ва табиатга қарашларни тиниқлаштиради.

Жаҳон шиддат билан ўзгараётган, сунъий интеллект ва рақамли технологиялар инсон тафаккурини эгаллашга уринаётган бир даврда миллатнинг яшаб қолиши ва юксалиши учун энг қудратли қурол нима? Бу саволга Президентимиз Шавкат Мирзиёев Халқаро конгресс марказида бўлиб ўтган Миллий китобхонлик ҳаракатига старт бериш маросимида жуда аниқ ва лўнда жавоб берди — китоб.

Президентимиз томонидан бошланган ҳаракат миллатнинг келажакдаги рақобатбардошлигини таъминловчи стратегик хавфсизлик лойиҳасидир. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида бугунги куннинг энг катта хавфи ва имкониятига тўхталди. Гаджетлар ва ижтимоий тармоқлар инсонни юзаки фикрлашга, тайёр ахборотни истеъмол қилишга ўргатиб қўймоқда. Бундай шароитда мустақил фикрлаш — энг ноёб неъмат. Президентимизнинг “Китоб ўқийдиган одам теран ва соғлом фикрлайди. Бундай тафаккурга эга инсон эса жамиятни ўзгартира олади” деган сўзлари Янги Ўзбекистоннинг бош мафкуравий йўналишига айланди. Зеро, жамиятни технологиялар эмас, ўша технологияларни бошқара оладиган шахслар ўзгартиради. Шу маънода, агар биз китобхонликни тикласак, демак, Бухорийлар ва Хоразмийлар генини қайта фаоллаштирган бўламиз.

Мамлакатимизда эълон қилинган Миллий китобхонлик ҳаракати ўз кўлами ва моддий рағбати билан ҳайратланарли. Бош соврин — 50 минг доллар! Бу Ўзбекистонгина эмас, балки минтақа тарихидаги китобхонлик учун бериладиган энг катта мукофотдир. Давлатнинг ўз фарзандлари билимига тикаётган энг катта сармояси. Дастур 1-синфдан 11-синфгача бўлган ўқувчиларни қамраб олиши — бу “занжирли таъсир” демак. Китобхон бола — китобхон оилани, китобхон оила эса маърифатли жамиятни яратади. Президентимиз совғаси сифатида автомобиллар олган ёшлар бугунги тенгдошлари учун ҳақиқий ибратга айланди. Энди ёшлар ўртасида тренд — қимматбаҳо кийим ёки гаджет эмас, аксинча, ўқилган китоблар сони ва олинган билим бўлиши керак. Президентимиз “Мен ушбу дастурни шунчаки китоб ўқиш мусобақаси эмас, балки жонажон Ватанимиз келажаги учун стратегик инвестиция деб биламан” деди. Ҳақиқатан ҳам, бугун китобга тикилган бир доллар эртага иқтисодиётга, хавфсизликка ва миллий юксалишга ўн баробар бўлиб қайтади.



Китобхон миллатни енгиб бўлмайди. Китобхон миллатни чалғитиб бўлмайди. Китобхон миллат ҳеч қачон ўз йўлини йўқотмайди. Халқаро конгресс марказидан бошланган бу эзгу ҳаракат энди ҳар бир маҳаллага, ҳар бир хонадонга кириб бориши керак. Президентимизнинг ташаббуси — бу уйғонишга чорлов. Эндиги вазифа — қўлимизга китоб олиш ва Учинчи Ренессанс биносини мутолаа билан қуриш. Зеро, буюк келажакнинг калити жавонимизда турган китобларда яширинган.

### Миллат ғурури ва зафар иштиёқи

Футбол — шунчаки спорт тури эмас. У миллионларни бирлаштирадиган, давлат байроғини юксакларга кўтарадиган, миллатнинг ғурури ва қалб созларини жунбишга келтирадиган қудратли ижтимоий ҳодисадир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг футбол бўйича миллий терма жамоамизни АҚШ, Мексика ва Канада майдонларида ўтадиган 2026 йилги Жаҳон чемпионатига кузатиш маросимида иштирок этгани юртимиз спорт тарихида мутлақо янги саҳифа очди. Бу кузатув маросими бутун бошли миллатнинг кўп йиллик орзуси рўёбга чиққан тарихий бурилиш палласининг намойиши бўлди.

Спорт, хусусан, футбол — миллатнинг энергияси, унинг бирлигини кўрсатувчи майдон. Президентимизнинг футболчиларимизни жаҳон чемпионати сари эзгу тилаклар билан кузатиши, спортчиларнинг ҳар бир ғалабасини ўз фарзандининг ютуғидек байрам қилиши халқ ва раҳбар ўртасидаги самимият кўпригидир.

Ўзбек халқи чорак асрдан кўпроқ вақт давомида миллий терма жамоанинг жаҳон чемпионатида иштирок этишини орзу қилди. Бугун ушбу орзу ҳақиқатга айланди.

Бизни янада шодлантиргани Ўзбекистон миллий терма жамоасига Навоий давлат университети талабаси Шерзод Эсановнинг ҳам жалб қилингани бўлди. Бу — катта меҳнат, матонат ва фидойилик самараси. Шерзод бугун нафақат олийгоҳимиз, балки бутун Ўзбекистон ёшлари шарафини халқаро майдонда ҳимоя қилмоқда. Навоийликлар ушбу футболчимиз билан фахрланади!

> ***Президентимизнинг 2025 йил 14 июлдаги тарихий фармони асосида йўлга қўйилган ушбу тизим ва “kelajakuchun.gov.uz” крауд платформаси мамлакатда ижобий маънодаги технологик инқилобни бошлаб берди. Биргина форум доирасида оддий аҳоли, изланувчан ёшлар ва олимлардан 1300 дан ортиқ таклиф ва ташаббуслар келиб тушгани — халқимизнинг лоқайд эмаслигидан, юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси юксалиб бораётганидан далолат беради.***

Терма жамоамизни жаҳон чемпионатида Португалия, Колумбия ва Конго ДР каби кучли рақиблар билан муҳим баҳслар кутиб турибди. Давлатимиз раҳбарининг “Шуни билингки, биз доим сизлар биланмиз” деган сўзлари йигитларимизга майдонда қўшимча куч, шижоат ва енгилмас ирода бағишлаши шубҳасиз. Бу миллатга ўз кучига ишонишни ўргатишдир. Ғалаба иштиёқи уйғонган халқ нафақат спортда, балки иқтисодиётда ҳам, илмда ҳам энг юқори марраларни эгаллайди.

Президентимиз ўз нутқида жуда ҳаётий ҳақиқатни тилга олди: футбол Ўзбекистонда аллақачон ҳар бир оиланинг дўстига айланиб улгурган. Бугун юртимизда миллионлаб инсонлар футбол билан яшайди, қувонч ва ташвишига шерик бўлади.

Бугунги тарихий ютуқ ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Бу сўнгги йилларда Президентимиз раҳнамолигида спорт соҳасида, хусусан, футболда амалга оширилган тизимли ислоҳотларнинг амалий натижасидир. Ҳар бир ҳудудда очилган футбол академиялари ва янги ташкил этилган Миллий футбол маркази келажак чемпионларини тарбиялашнинг профессионал тизимига айланди. Ўтган йили Тошкентда барпо қилинган улуғвор Олимпия шаҳарчаси мамлакатимизнинг спорт салоҳияти нечоғли юксак эканини дунёга кўрсатди. Янги Тошкент шаҳрида қад ростлаётган ФИФА стандартларига тўлиқ жавоб берадиган 55 минг ўринли стадион Ўзбекистонни яқин келажакда йирик халқаро турнирлар мезбонига айлантиришга хизмат қилади.

### Ишонч кўприги

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва муфтий шайх Нуриддин Холиқназар ўртасидаги телефон мулоқоти ҳамда давлат томонидан ҳожиларга кўрсатилаётган юксак эътибор шунчаки диний амал эмас. Бу давлат сиёсатининг маънавий, ижтимоий ва стратегик йўналишидир. Энг муҳим янгилик — 100 нафар эҳтиёжманд ва меҳнат фахрийсининг давлат ҳисобидан ҳаж зиёратига юборилгани. Бу илгари кузатилмаган амалиёт бўлиб, “Инсон қадри учун” деган тамойилнинг диний-маънавий соҳадаги амалий ифодасидир.

Давлатимиз раҳбари ҳаж зиёратчиларининг юртга қайтгач маҳаллаларда соғлом эътиқод элчиси бўлишига катта умид билдирмоқда. Муборак ҳаж амалини адо этганлар халқимиз орасида жуда юқори ҳурматга эга. Бу инсонлар ёшларни ёт ғоялар, экстремизм ва радикаллашувдан асрашда, ислом динининг асл тинчликпарвар моҳиятини тушунтиришда давлатнинг энг яқин кўмакчисига айланади.

Президентимиз диний соҳани фақат ибодат эмас, балки илм-маърифат сифатида ривожлантирмоқда. Имом Бухорий мажмуаси, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ва бошқа маънавий-маърифий масканларнинг барпо этилиши юртдошларимизнинг диний-маърифий билимларини ошириш билан бирга аждодлар меросига ҳурматини ҳам оширади. Бу халқимизда миллий ғурур ва диний маърифат уйғунлашишига хизмат қилади.

Президентимиз томонидан минглаб бемор болаларни даволаш ва оғир касалларни операция қилиш учун қўшимча маблағ ажратилиши Қурбон ҳайитининг асл фалсафасига — инсонпарварликка тўла мос келади. Давлат бу билан диний байрамни ижтимоий кўмак билан уйғунлаштирмоқда. Бу халқ ва давлат ўртасидаги ишонч кўпригини мустаҳкамлайди.

Муқаддас Қурбон ҳайити — қалблар тозаланадиган, меҳр-оқибат ва инсонийлик туйғулари амалда намоён бўладиган, жамият аъзолари бир-бирига елка тутадиган муқаддас айём. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳузурида тақдим этилган Қурбон ҳайити арафасида эҳтиёжманд аҳолини қўллаб-қувватлаш бўйича ташаббуслар дастури Янги Ўзбекистонда давлат сиёсатининг ўзаги — инсон қадри эканини яна бир бор амалда исботлади. Ажратилаётган 690 миллиард сўмлик маблағ ва белгиланган чора-тадбирлар кўлами бўйича бу лойиҳани мамлакат тарихидаги энг йирик маънавий-ижтимоий саховат дастури деб аташ мумкин.

> ***Мутолаа илк бор қўлига китоб ушлаган боланинг тасаввурини шакллантиради, унда хаёлот ва орзуни уйғотади, ўзи белгилаган соҳада ижодкорлик кайфиятига туртки беради. Шу тариқа буюк кашфиётлар, ижодий парвозлар содир бўлади. Бу эса тараққиётнинг, инсон камолотининг омили, табиат ва жамиятларни ҳаракатга келтирадиган қудрат касб этиш йўлидир.***

Хайрли ишларнинг энг юксак кўриниши инсон ҳаётини асраб қолиш, бемор қалбларга шифо улашишдир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ушбу муборак кунларда тиббиёт соҳасига йўналтирилаётган маблағлар минглаб оилаларга қувонч олиб киради. 10 минг нафар оғир ва ногиронлик хавфи бўлган болаларда бепул жарроҳлик амалиётлари ўтказилади. Бу — 10 минг нафар гўдакнинг оёққа туриши, 10 мингта хонадонга бахт қайтиши демак. 2 300 нафар онкологик ва гематологик хасталикка чалинган беморнинг тиббий текширувдан ўтиши ва даволаниши тўлиқ молиялаштирилади. Камида 350 нафар оғир аҳволдаги беморларда жигар ва буйрак трансплантацияси амалиёти давлат ҳисобидан амалга оширилади. Бу энг қиммат ва мураккаб операция бўлиб, кўрсатилаётган ёрдам муҳтож оилалар учун умид чироғидир.

Жамиятнинг етимларга муносабати унинг маънавий соғломлигини кўрсатади. Давлат бу сафар ҳам ўз васийлигини намойиш этди. 8 минг нафардан зиёд етим, ота-она қарамоғидан маҳрум болалар ҳамда Ватанимиз сарҳадларини ҳимоя қилиш йўлида жон фидо қилган қаҳрамонларимизнинг фарзандлари алоҳида эътиборга олинди. Уларнинг шахсий омонат ҳисобварақларига 200 АҚШ доллари миқдорида пул маблағи ўтказиб берилади. Бу — болажонларнинг эртанги кунига ишончини мустаҳкамлайдиган муҳим эътибор.

Саховат дастури фақат ижтимоий ёрдам билан чекланиб қолмай, маънавий қадриятларимизни тиклашга ҳам қаратилган. Маблағлар “Вақф” хайрия жамоат фонди орқали йўналтирилади. Бу тизимнинг шаффофлиги ва манзиллилигини таъминлайди. Мамлакатимиздаги 500 та масжидда замонавий таҳоратхоналар қурилади ва таъмирланади. Жисмоний имконияти чекланган ва кекса зиёратчилар учун қулай шароитлар яратилади. Аждодларимиз манзилгоҳи бўлган қабристонлар обод қилинади. Бу тирикларга ҳурмат, ўтганларга эса эҳтиром рамзидир.

Ҳеч ким меҳрдан четда қолмайди. Шу мақсадда давлат таъминотидаги оилалар, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга озиқ-овқат тўпламлари тарқатилади. Жойларда эҳсон дастурхонлари ёзилиб, қурбонлик гўштлари муҳтожларга улашилади. Жараёнда Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Маҳаллалар уюшмаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорликда, ягона занжир бўлиб ишлайди. Қурбон ҳайити арафасида Президентимиз томонидан маъқулланган бу дастур — амалий диний бағрикенглик ва ижтимоий масъулиятнинг уйғунлашган намунаси. Бугун Ўзбекистон дунёга янги формулани тақдим этмоқда: давлат ўз фуқароларининг нафақат моддий эҳтиёжларини қондиради, балки уларнинг маънавий ва диний қадриятларини давлат сиёсати даражасига кўтариб, ижтимоий адолат билан бойитади.

Байрамлар — шунчаки шодлик ва дам олиш кунлари эмас, балки миллатнинг маънавий имтиҳондан ўтиш палласи. Айниқса, муборак Қурбон ҳайити арафасида давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган тарихий қарор Ўзбекистонда ижтимоий адолат, инсонпарварлик ва диний қадриятларни тизимли ривожлантиришда мутлақо янги даврни бошлаб берди.

### Келажакни лойиҳалаштириш санъати

Бугунги давр давлат бошқаруви ва ислоҳотлар тизимида янгича муносабатларни талаб қилмоқда. Эндиликда қарорлар фақат юқори идораларда қабул қилиниб, пастга ижро учун тушириладиган эски тизим ўз умрини яшаб бўлди. Янги Ўзбекистонда давлат ва фуқаро ўртасида тирик, доимий ва самарали мулоқот кўприги қурилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган “Келажак учун” истиқболли ташаббуслар форуми ва унда сараланган лойиҳалар тақдимоти давлат ва жамият ҳамкорлигининг энг олий, демократик ва инновацион намунасидир.

Президентимизнинг 2025 йил 14 июлдаги тарихий фармони асосида йўлга қўйилган ушбу тизим ва “kelajakuchun.gov.uz” крауд платформаси мамлакатда ижобий маънодаги технологик инқилобни бошлаб берди. Биргина форум доирасида оддий аҳоли, изланувчан ёшлар ва олимлардан 1300 дан ортиқ таклиф ва ташаббуслар келиб тушгани — халқимизнинг лоқайд эмаслигидан, юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси юксалиб бораётганидан далолат беради. Бу лойиҳа орқали давлат ўз фуқароларига “Сизнинг ғоянгиз биз учун муҳим, келинг, Ватан келажагини бирга қурамиз” деган самимий чақириқ билан юзланди.

1300 та лойиҳа шунчаки қоғозда қолиб кетмади. Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги ҳамда “Бизнесни ривожлантириш банки” томонидан амалга оширилган кўп босқичли саралаш, соҳавий экспертлар ва Менторлар кенгашининг таҳлиллари энг ҳаётий ғояларни ажратиб олиш имконини берди. Бу тизимнинг энг аҳамиятли томони шундаки, у шунчаки мусобақа эмас. Бу ерда хом, шаклланмаган ғоялар экспертлар кўмагида такомиллаштирилиб, ҳақиқий ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларга айлантирилди. “ТОП-50” ва “ТОП-10” рўйхатларига кирган лойиҳалар — бугунги Ўзбекистоннинг энг оғриқли муаммоларига оддий халқ тафаккури билан топилган интеллектуал ечимлар.

Хайрли ишларнинг бардавомлиги шундаки, улар замирида фақат моддий манфаат эмас, балки маънавий юксалиш ётади. Бугун Ўзбекистон осмонида порлаётган уйғониш қуёши ҳар бир хонадонга меҳр, ҳар бир кўнгилга умид олиб кирмоқда.

**Муҳиддин КАЛОНОВ,**
**Навоий давлат университети ректори, профессор.**

# БУХОРО томонларда

## РАҚАМЛИ ҚАБУЛ — БУГУНГИ ДАВР ТАЛАБИ

*Ромитан туманида яшовчи меҳнат фахрийси Шокир Ҳафизов саломатлигини текширувдан ўтказиш фикрига келдию қўл телефонини чўнтагидан олди. Туман “Рақамли соғлиқни сақлаш маркази” воситасида бир зумда оилавий поликлиника врачи қабулига навбатга ёзилди.*



— Илгари УЗИ, қон таҳлили каби текширувлардан ўтиш учун туман марказига боришимизга тўғри келарди, — дейди у. — Эндиликда саломатлигимиз билан боғлиқ барча амалларни маҳалламиздаги оилавий поликлиникада бажаряпмиз. Вақт тежалмоқда. Оворагарчилик ҳам йўқ.

Салкам 155 минг аҳоли яшаётган Ромитан туманида 1 миллиард 50 миллион сўмлик замонавий компьютер воситалари билан жиҳозланган Рақамли соғлиқни сақлаш марказининг очилиши фуқароларни, жумладан, Шокир отага ўхшаган нуроний инсонларни бениҳоя хурсанд қилди. Негаки, эндиликда уйда туриб шифокор қабулига ёзилиш, ташхис натижаларидан хабардор бўлиш, масофадан туриб тиббий маслаҳат олиш мумкин.

## ИШЛИ АЁЛЛАР — ҚИШЛОҚ ФАЙЗИ

*Қоракўл туманининг Туркманистон Республикаси билан чегарадош Жиғачи маҳалласида иш бошлаган янги тикувчилик корхонаси 110 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлади.*



— Жиғачи туманимиз марказидан 30 километр узоқликда жойлашган, — дейди меҳнат фахрийси Файзулла Беҳбудов. — “Parvoz plyus fayz baraka” масъулияти чекланган жамияти таркибидаги бу корхона шарофати билан чекка ҳудудда яшовчи аёлларга ишлаб, рўзғор каму кўстини тўлдириш имконияти яратилди.

Эътиборлиси, корхона туфайли тумандаги 2-политехникум жамоаси ва бу ерда тикувчилик йўналишида таҳсил олаётган ёшларга ҳам қулайлик юзага келди. Эндиликда шартномага мувофиқ, талабалар шу корхонада амалиёт ўтаб, касб кўникмаларига эга бўлмоқда.

## ҲАР ҚАДАМИ ОБОД САРАЁН

*Сараён нафақат Когон тумани, балки вилоятдаги энг кўркам маҳаллалардан бирига айланмоқда.*

Бу гўшада давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 18 сентябрдаги “Ислом тараққиёт банки ва ОПЭК халқаро тараққиёт жамғармаси иштирокида қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ободонлаштириш, ижтимоий соҳа иншоотлари барпо этиш, мавжудларини реконструкция қилиш, ички йўлларни таъмирлаш ишлари бажариляпти. Чунончи, ҳудуддаги оилавий поликлиника, мактабгача таълим ташкилоти бинолари тамоман янги қиёфага кирмоқда. Модернизация юмушлари натижасида электр энергияси таъминоти яхшиланяпти. Шунингдек, 18 километр узунликда қувурлар тортиб, аҳолига ичимлик сувини марказлаштирилган ҳолда етказиш ишлари амалга ошириляпти. Салкам 3,5 километрлик ички йўллар асфальтлаштирилди.

## КУЛОЛЧИ МАҲАЛЛАСИДА БАЙРАМОНА КАЙФИЯТ

*5-мактабгача таълим ташкилоти биноси мукаммал таъмирланиб, фойдаланишга топширилиши Вобкентнинг Кулолчи маҳалласида яшовчиларни хурсанд қилди.*



— Бу ерда неварам Шаҳрамжон таълим-тарбия олмоқда, — дейди ўзини Олия Шарипова дея таништирган аёл. — Она тилидан ташқари хорижий тилда ҳам бинойидек гаплашяпти. Келажагимиз эгаларининг шундай замонавий шарт-шароитларда ўсиб-улғаётганидан хурсандмиз.

“Ташаббусли бюджет” дастури доирасида 1,2 миллиард сўм миқдоридаги маблағ эвазига таъмирланган бинода машғулотларни бугунги кун талаби асосида ўтказиш учун барча қулайлик мавжуд. Жорий йилда туманда шу каби 6 та мактабгача таълим ташкилотини мукаммал таъмирдан чиқариш, 3 та янги муассаса фаолиятини йўлга қўйиш кўзда тутилган.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**Эндиликда Олий аттестация комиссияси фаолиятини Фанлар академияси тизимида ташкил қилиш, илмий кенгашлар масъулиятини ошириш ва улар ишини рейтинг асосида баҳолаш назарда тутилмоқда.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 23 209 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 00.45 1 2 3 4 5 6